

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

**Касимова Наргиза Ходжибаевна**

**Енгил саноат маҳсулотлари савдосини ташкил этиш динамик веб-сайтини  
яратиш**

5A523601 - «Электрон тижорат» мутахассислиги

**ДИССЕРТАЦИЯ**

«Электрон тижорат» мутахассислиги бўйича  
академик магистр даражасини олишга

Диссертация кўриб чиқилди ва ҳимояга  
тавсия этилди  
«Электрон тижорат» кафедраси мудири  
т.ф.д. проф. Якубов М. С. \_\_\_\_\_

Илмий раҳбар:  
и.ф.н., доцент  
Умаров А.В. \_\_\_\_\_

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2010 йил

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2010 йил

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ахборот технологиялари факультети  
“Электрон тижорат” кафедраси

5A523601 – “Электрон тижорат” мутахассислиги

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

Кафедра мудири  
т.ф.д. М.С.Якубов

20\_\_ й «\_\_» \_\_\_\_\_

**Магистрлик диссертациясига**

**ТОПШИРИҚ**

**Касимова Наргиза Ходжибаевна**

1. Диссертация мавзуси: “Енгил саноат маҳсулотлари савдосини ташкил этиши динамик веб-сайтини яратиши”.

2. 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ - сонли буйруқ билан тасдиқланган

3. Диссертацияни ҳимояга топшириш муддати \_\_. \_\_. 20\_\_ йил.

4. Диссертацияга оид дастлабки маълумотлар: тадқиқот тизимининг тавсифи, тизимни яратишга техник топшириқ, объектнинг тизимли ва ишчи лойиҳаси ва ҳ.к.лар

5. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг мазмуни (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати): танланган мавзунинг долзарблигини асослаш; тадқиқотнинг мақсади ва уни амалга оширишда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни аниқлаштириш; тадқиқот предмети ва объектини аниқлаш ва тавсифлаш; тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва қайта ишлашни олиб бориш; хулосалар келтириб чиқариш, олинган натижаларни баҳолаш ва ўқув жараёнида қўллаш бўйича таклифлар бериш.

6. График материаллар рўйхати: 1) Масаланинг қўйилиши, 2) Мавжуд ечимларнинг таҳлили, 3) Танланган ёндашувни асослаш, 4) Тизимнинг функционал схемаси, 5) Маълумотлар базасининг тузилиши, 6) Асосий экран формалари, 7) Ҳисобот формалари.

7. Топшириқ берилган сана \_\_. \_\_. 20\_\_ йил

Раҳбар: и.ф.н., доцент Умаров А.В. \_\_\_\_\_ \_\_. \_\_. 20\_\_ йил

Топшириқ олдим: Касимова Н.Х. \_\_\_\_\_ \_\_. \_\_. 20\_\_ йил

8. Диссертациянинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

Қисм	Маслаҳатчи ўқитувчининг Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
Кириш	Умаров А.В.	02.11.2009	02.11.2009
Назарий қисм	Умаров А.В.	09.11.2009	09.11.2009
Асосий қисм	Умаров А.В.	18.01.2010	18.01.2010
Амалий қисм	Умаров А.В.	15.04.2010	15.04.2010
Яқун қисм	Умаров А.В.	05.06.2010	05.06.2010

9. Диссертацияни бажариш графиги

Мундарижа	Ҳажми (бет /та)	Бажарилиш санаси
<b>Кириш</b>		11.2009-02.2010
<b>I БОБ. ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ</b>		
1.1. Енгил саноат маҳсулотлари анъанавий ва электрон савдосининг таҳлили		
1.2. Электрон тижорат соҳасидаги ҳуқуқий меъёрий асослар таҳлили		
1.3. Енгил саноат маҳсулотлари савдосини интернет технологиялари ёрдамида такомиллаштириш		
1.4. Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари		
I бобга хулоса		
<b>II БОБ. Енгил саноат маҳсулотларини электрон савдоси динамик веб сайтини яратишни лойихалаштириш</b>		02.2010-03.2010
2.1. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтининг маълумотлар базасини лойихалаштириш		
2.2. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтни яратиш технологиялари		
2.3. Енгил саноат маҳсулотларини интернетдаги савдоси учун тўловларни амалга ошириш механизми		
II бобга хулоса		
<b>III БОБ. Енгил саноат маҳсулотларини интернетдаги савдосини ташкил этиш динамик веб-сайтини яратиш</b>		03.2010-06.2010
3.1. Енгил саноат маҳсулотларини интернетдаги савдоси бўйича динамик веб сайтни ташкилий таъминоти		
3.2. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтининг ишлаш тавсифи		
3.3. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтни интернетга жойлаштириш масалалари		
III бобга хулоса		
<b>Яқуний хулоса</b>		

Раҳбар: и.ф.н., доцент Умаров А.В. \_\_\_\_\_ .\_\_\_\_.\_\_\_\_.20\_\_ йил

Топшириқ олдим: Касимова Н.Х. \_\_\_\_\_ .\_\_\_\_.\_\_\_\_.20\_\_ йил

<b>МУНДАРИЖА</b>	
<b>Кириш</b>	<b>2</b>
<b>I БОБ. ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ .....</b>	<b>4</b>
1.1. Енгил саноат маҳсулотлари анъанавий ва электрон савдосининг таҳлили .....	4
1.2. Электрон тижорат соҳасидаги ҳуқуқий меъёрий асослар таҳлили.....	12
1.3. Енгил саноат маҳсулотлари савдосини интернет технологиялари ёрдамида такомиллаштириш.....	18
1.4. Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари.....	25
I бобга хулоса.....	27
<b>II БОБ. ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН САВДОСИ ДИНАМИК ВЕБ САЙТИНИ ЯРАТИШНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ.....</b>	<b>28</b>
2.1. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтнинг маълумотлар базасини лойихалаштириш.....	28
2.2. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтни яратиш технологиялари.....	34
2.3. Енгил саноат маҳсулотларини интернетдаги савдоси учун тўловларни амалга ошириш механизми.....	37
II бобга хулоса.....	43
<b>III БОБ. ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТДАГИ САВДОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДИНАМИК ВЕБ-САЙТИНИ ЯРАТИШ.....</b>	<b>44</b>
3.1. Енгил саноат маҳсулотларини интернетдаги савдоси бўйича динамик веб сайтни ташкилий таъминоти.....	44
3.2. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтнинг ишлаш тавсифи.....	48
3.3. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтни интернетга жойлаштириш масалалари.....	55
III бобга хулоса.....	60
<b>Якуний хулоса .....</b>	<b>61</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>63</b>
<b>Иловалар.....</b>	<b>64</b>

## Кириш

Ҳеч кимга сир эмас 2008 йилда дунё иқтисодиёти сезиларли молиявий инқирозни бошдан кечирди. Ҳозирда давом этаётган бу инқирозни бизнинг мамлакатимизга таъсир ўтказишини олдини олиш мақсадида ҳурматли юртбошимиз ўз дастурларини ишлаб чиқдилар.

Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади.

Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиз [1].

**Мавзунинг долзарблиги** шундан иборатки, бизнесда ўз ўрнини вақтида эгаллаш, мақсадли аудиторияга эга бўла олиш, ўз имкониятларини кенгайтириш фирма ва корхоналар учун келажак пойдеворидир. Бизнеснинг бугунги кун барқарорлиги ва келажакдаги истиқболи бизнеснинг миждозлар билан ўзаро алоқаларида қўллайдиган технологияларга боғлиқ. Миждозлар билан қулай воситалар билан алоқа қилиш, бугунги кун замон талабига айланаётган замонавий интернет технологиялардан фойдалана билиш фирмалар ривожини ҳал қилувчи стратегия бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги жамият шундай ривожланиш босқичида турибдики, унда янги ахборот технологияларининг тез тарқалиши ва шу жараён таъсири остида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кўпгина жабҳаларида ўзгаришлар рўй бермоқда. Жаҳон иқтисодиёти тобора виртуал тусга кирмоқда виртуал банклар, дўконлар, кутубхоналар, биржалар нафақат молиявий ва реал инвестициялар, товар оқимлари ҳаракатидаги, ишлаб чиқаришни бошқаришдаги сифатли ўзгаришларга олиб келди, балки бозор, маданият, маориф, уй хўжалиги,

умуминсоний кадриятлар ва муносабатларнинг деярли барча сегментларини халқаролаштиришга ҳам кам ҳисса қўшмади. Интернет янги ахборот технологияларининг энг ёрқин намунаси сифатида бугунги кунда янги дунё, янги иқтисодий ва сиёсий ечимлар, замонавий инсоннинг рамзи бўлиб қолди.

Ўзбекистонда илмий адабиётда кичик, ўрта ва йирик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллигини глобал ва маҳаллий компютер тармоқларининг ахборот муҳитига ва биринчи навбатда, Интернет тармоғига ўтказиш жараёнида шаклланадиган иқтисодий муносабатларнинг айрим элементларини таҳлил қилишнинг илк қадамлари қўйилмоқда. Хусусан, маҳаллий иқтисодчилар, менеджерлар ва юристлар томонидан электрон савдосотиқни олиб боришнинг амалий масалалари кўриб чиқилмоқда: товарларни янги бозорларга чиқариш ва савдони бошқариш тизимини ташкиллаштириш, Интернет тармоғида рекламанинг самарадорлиги, Интернет-дўконларни бошқариш ва ш.к. муаммолар.

Ушбу магистрлик диссертацияси ишининг **мақсади** энгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайт яратиш технологиясини такомиллаштиришдир.

Диссертациянинг **илмий янгилиги** - энгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайт яратишнинг такомиллашган технологиясидир.

**Тадқиқот объекти** бўлиб энгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайт яратиш технологияси хисобланади.

**Амалий аҳамияти.** Ишлаб чиқилган энгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайт тадбиркорликни бошлаётган тадбиркорларга, шунингдек тадбиркорлиги мавжуд тадбиркорларга ҳам тадбиқ қилса бўлади.

# **I БОБ. ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

## **1.1. Енгил саноат маҳсулотлари анъанавий ва электрон савдосининг таҳлили**

Замонавий кийим унинг вазифасини аниқлайдиган химоявий функция асосида таснифланади. Вазифаси бўйича кийим уч хил кийимга бўлинади:

1. Маиший кийимлар;
2. Спорт кийими;
3. Ишлаб чиқаришга оид кийимлар.

Маиший кийимнинг вазифаси одам организмининг иқлимий таъсирлардан химоя қилишдир. Спорт кийими спортчи танасининг турли шикастлардан химоя қилиши ва юксак спорт ютуқларига эришмоқни тaminлаши керак; Ишлаб чиқаришга оид кийимлар одамни нафақат иқлимий таъсирлардан, балки ишлаб чиқариш таъсирларидан муҳофаза қилиши керак. Ҳар бир синфга оид кийимлар вазифасига кўра кичик синфларга, хилларга, гуруҳларга ва кичик гуруҳларга бўлминади.

Маиший кийимлар синфи - энг катта синф. У қуйидаги кичик синфларга бўлинади:

- 1.1. Ич кийимлар;
- 1.2 Кўйлак костюмлар;
- 1.3 Уст кийимлар;
- 1.4 Корсет буюмлари;
- 1.5 Бош кийимлар;
- 1.6 Кўлқоп.

Ҳар бир кичик синф турларга бўлинади. Масалан, кўйлак-костюм кичик синфи - 1.2. қуйидаги турларга бўлинади:

- 1.2.1. Пиджак;
- 1.2.2. Жакет;

### 1.2.3. Куртка ва ҳ.к.

Ёш жинсий жихатдан кийим қуйидагича гурухланади: эркаклар кийими, аёллар кийими, бола кийими. Болалар кийими ўз навбатида-чақалоқлар кийими, ясли ёшидаги, мактаб ёшигача, кичик мактаб ёши ва ўспиринлар кийимига фарқланади.

Йил фаслига ва иқлимий зонага боғлиқ холда кийим кичик гурухларга бўлинади: баҳорги - кузги, ёзги, қишки ва ҳар мавсумли.

Кийимнинг муайян шароитда ишлатилишига қараб ушбу таснифни яна давом эттириш мумкин.

Масалан: аёллар куйлаги-кундалик, анъанавий, уй ичи, ишчи ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Спорт кийимлари синфи - спорт турига қараб кичи синфларга, ёш-жинсга қараб гурухга бўлинади. Ишлаб чиқариш кийимлари синфи вазифасига кўра, уч кичик синфга бўлинади:

3.1. Махсус кийим;

3.2. Расмий кийим;

3.3. Технологик кийим.

Мисол учун, механик таъсирлардан, паст ва юқори ҳароратлардан, радиактив моддалардан, рентген нурларидан, кислота ишқор, ва ҳ.к. таъсирлардан химоявий гурухлари фарқланади.

Махсус кийимлар маиший кийимлардек, ўз навбатида турларга бўлинади.

Расмий кийимлар - ҳарбий хизматчилар кийими денгиз ва дарё хизматчилари кийими, темир йўлчилар кийими, алоқачилар кийими ва бошқалар. Расмий кийимнинг асосий хиллари, шинель, куйлак, ич кийим, бош кийим.

Технологик кийим - тиббиёт ва юқори аниқликни талаб қиладиган ишлаб чиқаришда одамни меҳнат предметларидан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган.

*Электрон ҳамда анъанавий тижоратнинг ўхшашлик ва фарқлари*

Электрон тижорат савдо-сотикнинг бир шакли, яъни сотувчи товарини харидорнинг пулига алмаштириш жараёни ҳисобланади. Шунинг учун электрон тижоратга анъанавий савдо-сотикнинг асосий амаллари хосдир.

Электрон тижорат ва анъанавий савдо-сотикнинг умумий белгилари қуйидагилар:

- харидорни товарнинг хусусиятлари билан таништириш;
- унинг ташқи кўринишини намойиш қилиш;
- асосий хусусиятларини баён этиш;
- оқилона фойдаланиш бўйича маслаҳатлар бериш;
- харидор томонидан товарни танлаш;
- танланган товарга ҳақ тўлаш;
- сотувчи томонидан товарни жамлаш ва таёрлаш, харидорга товарни бериш;
- танланган товарни уйга етказиб бериш;
- фойдаланиш учун товарни охиригача ишлаш, зарурият бўлганда (йиғиш, ишга туширишга тайёрлаш);
- сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш (сотиб олганда кўзда тутилган бўлса).

Электрон дўконлардаги сотувларнинг анъанавий савдо сотувларидан фарқларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. *Харидорларни жалб қилиш усуллари бўйича.* Харидорларни дўконга жалб қилиш усуллари катта аҳамиятга эга. Савдо-сотикда, унинг анъанавий мазмунига кўра, бу жараён тўртта босқич билан тавсифланиши мумкин:

а) харидорни реклама ёрдамида жалб қилиш; бунда дўкон жойлашган ер муҳим омил ҳисобланади;

б) витриналарни ва дўконга кириш жойини яхши безаш орқали харидорга таъсир кўрсатиш; бу босқич муҳим ўрин тутаяди;

в) дўконга кирган харидорни савдо залининг ички безатилиши ва унинг яхши ташкиллангани билан жалб қилиш;

г) харидор томонидан керакли товарнинг танлаб олиниши: сотувчи ёрдамида савдо залидан товарни қанчалик тез ва осон танлаб олишига қараб, харидор кейинги савдони ҳам айнан шу дўконда амалга ошириш ёки оширмасликни қарор қилади.

Электрон дўконда харидорни жалб қилишнинг юқорида санаб ўтилган босқичлари бошқача тарзда ташкил қилинган. Электрон витрина ва дўконга кириш бирлаштирилган. Барча реклама маълумоти электрон дўкон витринасида жойлаштирилади. Бу қисқа ва ҳамма учун тушунарли шакл бўлиб, унда нимани қаерда ва қай тарзда сотиб олиш мумкинлиги акс эттирилади.

2. Харидорларга рухий (психологик) таъсир кўрсатиш воситалари бўйича. Электрон савдо тизимида сотувчилар харидорларга рухий таъсир кўрсатиш имкониятидан маҳрумлар. Бу ерда, масалан, ўз жозибаси ва салобати, кўркамлиги ва овозининг ёқимлилиги билан харидорга таъсир қилиш имконияти йўқ.

3. Товар тўғрисидаги маълумотни узатиш усуллари бўйича. Оддий савдо жараёнида товар билан шахсан танишилади. Электрон дўконда бу танишув харидор томонидан товарга хос тавсифлар ва маълумотномалар диққат билан ўрганиб чиқилиши орқали рўй беради.

4. Харид қилиш усуллари бўйича. Оддий савдо жараёнида харидор товарни шахсан ўзи сотиб олади. Электрон дўконда товарни харид қилишда харидор Интернет орқали рўйхатдан ўтади ва буюртмани расмийлаштиради.

5. Савдо-сотиқни ташкил қилишдаги харажатлар даражаси. Электрон дўкон орқали савдо ва хизматни ташкил қилинганда дўконлар, омборлар, оффислар бинолари, шунингдек дўконлар турли-туман савдо жиҳозлари керак бўлмайди. Бу сотиш, реклама ва чакана тармоқни сақлаш харажатларини камайтиришга имкон яратади, маҳсулот еса арзонроқ сотилиш мумкин.

6. Дўконларга бориш оддийлиги бўйича. Анъанавий дўконларни машинада юриб айланиб чиқиш ёки керакли товарни излаб уларга қўнғироқ қилиб чиқишдан кўра ўнлаб электрон дўконларга кириб чиқиш осонроқдир.

7. Ҳаммабоплик даражаси бўйича. Ҳар қайси бир электрон дўкон ер юзининг қайси бир нуқтасидаги харидор учун ҳам қулай. У саёҳатлар ва сафарлар вақтида керакли товарлар ҳамда хизматларни танлашда чекланилмайди. Бундай дўконлар туну-кун очик бўлиб, уларда оддий дўконлардагидек кўплаб харидорлар йиғилиб қолмайди. Харидор ўзига қулай вақтда харид қилиш имкониятига эга.

8. Хизмат кўрсатиш сифати бўйича. Оддий дўкондан харид қилиш товар тўғрисида тўлиқ маълумот олиш учун маслаҳат сўраб сотувчига мурожат қилинади. Бундай вазиятда товарни танлаш сотувчига, унинг билим савиясига, ҳамда сотувчи харидорга ажрата олиши мумкин бўлган вақтга боғлиқ бўлади. Электрон дўкон барча товарлар бўйича маълумотларнинг кенг спектрини тақдим этиши мумкин, харидор маслаҳатни кутмайди. Бироқ, ёмон ташкил қилинган электрон худди анъанавий чакана савдо дўкони каби самарасиз ишлайди.

9. Бозорга чиқиш вақти бўйича. Анъанавий дўконга нисбатан электрон дўконни яратишга камроқ вақт кетади. Бунда ишлаб чиқарувчи-фирма ўз маҳсулотига ўзи нархни белгилаши ва назорат қилиши мумкин.


10. Товарлар спектри бўйича. Оддий дўконда товарлар танлови чекланган, шунинг учун харидор кўпинча керакли товарни бир нечта дўконлардан излашга мажбур. Агар харидорга керакли товар битта электрон дўконда йўқ бўлса, уни бошқасидан ёки тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчидан топиши мумкин.

Ўнта асосий фарқланишлар билан бир қаторда электрон савдо-сотик пайдо бўлиши билан рўй берган сифат ва миқдор ўзгаришлари ҳам ажратилади. Биринчидан, битим томонларининг шахсан ўзи бўлиши талаб этилмайди. Почта ва телефон орқали буюртмалар пайдо бўлгандаёқ савдо-сотикда сифат ўзгаришлари рўй бериши маълум бўлган. Интернет орқали электрон савдо-сотик ўз имкониятлари чегарасига бўлган ишончи. Иккинчидан, банк-кредит карталаридан фойдаланадиган молия тўлов бирлашмалари кўплигига қарамай

тўлов тизимлари, одатда, пул муомаласидан ёки товар алмашилишдан фойдаланишади. Бироқ, бизнес тўлов таъминотининг бундай инфратузилмаси, иқтисодий нуқтаи назардан, унча катта бўлмаган савдо битимларини кўтара олмайди ва ҳатто бундай битимларга хизмат кўрсатмаса ҳам катта миқдордаги йирик савдо битимларини кўтара олмаслиги мумкин. Интернетда реал шароитда умуман бўлмаслиги мумкин бўлган майда савдо битимлари учун янги имкониятлар пайдо бўлган. Масалан, унча катта бўлмаган ҳақ учун унча катта бўлмаган маълумот ҳажми.

*Енгил саноат маҳсулотлари билан савдо қилувчи динамик веб сайтлар тахлили*  
<http://footwear.com.ua>. Оёқ кийимларнинг улгуржи ва чакана савдоси.

Эркаклар, аёллар, ёш болалар спорт ва махсус оёқ кийимларни таклиф қилади.




<http://www.tricott.ru> - трикотаждлар буйича савдони амалга оширади.

Компания куйидаги трикотаждларни ишлаб чиқарувчилардан таклиф қилади:

1. боғча болалари, ёш болалар, аёллар, эркаклар учун
2. футболкалар, майкалар, поло-кўйлақлар
3. дам олиш ва спорт учун кийимлар



<http://www.garderobchik.ru>. Болалар кийими ва оёқ кийими таклиф қилади.



<http://vjazanie.ru/shop>. Аёллар учун ички ва ташки кийимларни таклиф қилади.

Pampers - <http://www.pampers.ru>. Памперслар савдоси бўйича интернет дўкон.


Улгуржу ва чакана савдолар олиб борилади. Чегирмалар тизими мавжуд.

Наименование	Количество	Цена (Руб./USD) за штуку за коробку	Количество в коробках
Подгузники Памперс Нью Бэби Макс 3/6 кг (6к./24шт)	6 коробок: 6 шт. В упаковке: 24 шт.	234,34/7,63 1406,04/45,77	<input type="text"/>
Подгузники Памперс Актив Бэби Макс 4/9 кг (6к./20шт)	6 коробок: 6 шт. В упаковке: 22 шт.	234,34/7,63 1406,04/45,77	<input type="text"/>
Подгузники Памперс Актив Бэби Макс 7/18 кг (6к./20шт)	6 коробок: 6 шт. В упаковке: 20 шт.	234,34/7,63 1406,04/45,77	<input type="text"/>
Подгузники Памперс Актив Бэби Макс плюс 9/28 кг (6к./18шт)	6 коробок: 6 шт. В упаковке: 19 шт.	234,34/7,63 1406,04/45,77	<input type="text"/>
Подгузники Памперс Актив Бэби Юниор 11/25 кг (6к./16шт)	6 коробок: 6 шт. В упаковке: 16 шт.	234,34/7,63 1406,04/45,77	<input type="text"/>
Влажные салфетки Памперс Бэби Фреш сенсорный блок 72 шт.	6 коробок: 12 шт. В упаковке: 72 шт.	75,5/2,44 906/29,49	<input type="text"/>
Подгузники Памперс Нью Бэби Мини ЭКОНОМ 3/6 кг (12 шт./2кор)	6 коробок: 2 шт. В упаковке: 74 шт.	602,14/19,6 1204,28/39,2	<input type="text"/>
Подгузники Памперс АКТИВ БЭБИ Мини ЭКОНОМ 4/9 кг (6 шт./2кор)	6 коробок: 2 шт. В упаковке: 62 шт.	602,14/19,6 1204,28/39,2	<input type="text"/>
Подгузники Памперс АКТИВ БЭБИ Макс ЭКОНОМ 7/18 кг (5 шт./2кор)	6 коробок: 2 шт. В упаковке: 54 шт.	602,14/19,6 1204,28/39,2	<input type="text"/>

<http://www.befire.uz>. Майка, футболкалар бўйича Интернет дўкон.

Интернет дўконда куйидаги футболкалар мавжуд: Армияга доир, айёллар учун, эркалар учун, мусикага доир, мультфилмлар, севги хақида, офисга доир, позитив, сиёсий, баёрамона, кулгили, сериаллар, спортга доир, ёзувли, расмли.

Куйидаги расмлар бўлиши мумкин: хайвонлар, тарихий, фантастика, хитой ёзуви, кемалар, денгиз пейзажлари, нтюрморт, портретлар, қадимий қасрлар, Ўзбекистон.



## 1.2. Электрон тижорат соҳасидаги ҳуқуқий меъёрий асослар таҳлили

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор ҳуқуқат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, булар Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сон «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2007 йил 12 июндаги 120-сон «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни амалга оширишни янада такомиллаштириш

тўғрисида»ги қарорларидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 21 майдаги 102-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ электрон тижорат тизими транзакцияларида олинган кўчирма (электрон чеклар)ни банк терминаллари чекларига тенглаштириш назарда тутилган. Юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича тўловларни амалга ошириш ва солиққа тортиш тартиби электрон тижорат тизими орқали юридик шахслар томонидан товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш жараёнида қўлланилади. Бу, ўз навбатида, электрон тижорат чакана тўлов тизимининг субъектлари, яъни иштирокчилари доирасини аниқ белгилаш, амалга оширилаётган транзакциялар ҳисобини юритиш ва назорат қилишни таъминлаш, электрон тижорат ва электрон рақамли имзо тизими фойдаланувчилари сонини оширишга хизмат қилади. Ушбу соҳадаги яна бир муҳим меъёрий ҳужжатлар қаторига «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган бошқа намунавий ҳужжатлар шакллари тайёрлаш тартиби» киради.

Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси «Электрон тижорат тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларини амалга ошириш мақсадида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сон «Электрон тижоратни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг 1 бандига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат электрон тижорат соҳасида ҳаракатларни расмийлаштириш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий тартибини таъминлаш, электрон шаклдаги контрактларга бўлган талабларни белгилаш ҳамда электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда электрон ҳужжатнинг ҳақиқий эканлигини тасдиқлаш бўйича ҳуқуқий шартларни ўрнатишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида «Электрон тижорат тўғрисида» 2004 йил 29 апрелдаги 613-П-сон Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти электрон тижоратдир. Электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек тегишли товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар электрон тижорат иштирокчиларидир. Электрон тижоратда ахборот воситачилари ҳам иштирок этишлари мумкин. Электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар ахборот воситачиларидир.

Электрон тижорат иштирокчилари Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида, шунингдек тузган шартномаларида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Электрон тижоратда иштирок этиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, унинг иштирокчиларига нисбатан ахборот тизимларидан фойдаланмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан қўшимча талаблар ёки чеклашлар белгиланиши учун асос бўла олмайди. Электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс товарлар (ишлар, хизматлар) харидорига:

- Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолдаги тўлиқ номини ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини;
- Почта ва электрон манзилени ҳамда ўзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотларни;

- Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда лицензияси борлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборотни тақдим этиши ёхуд унинг бундай ахборотдан фойдаланиш эркинлигини таъминлаши шарт.

Қонун ҳужжатларида электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги ахборотга нисбатан бошқа талаблар ҳам белгиланиши мумкин.

Ахборот воситачиларининг хизматлари шартнома асосида кўрсатилади. Ахборот воситачилари, агар электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларнинг шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон ҳужжатларнинг мазмунини ёки улардан фойдаланиш тартибини ўзгартиришга ҳақли эмас. Электрон тижоратдаги шартнома шартлари қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлиши керак. Электрон тижоратдаги шартнома унга ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йўли билан киритиладиган алоҳида шартларни ўз ичига олиши мумкин. Бу ҳолда электрон ҳужжатни жойлаштирган электрон тижорат иштирокчиси қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган муддат мобайнида ундан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаши, бу муддат ўтгандан кейин эса ушбу электрон ҳужжатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сақланишини таъминлаши шарт.

Электрон тижоратда шартнома акцептни (таклиф қабул қилинишини) ўз ичига олган электрон ҳужжат электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс томонидан қабул қилиб олинган пайтда ёхуд офертани ўз ичига олган электрон ҳужжатда акцепт учун назарда тутилган ҳаракатлар товарлар (ишлар, хизматлар) харидори томонидан амалга оширилган пайтда тузилган деб эътироф этилади.

Офертани ўз ичига олган электрон ҳужжат олинганлигини оферта шартларига розиликни кўрсатмасдан тасдиқлаш, худди шунингдек товарлар

(ишлар, хизматлар) харидорининг ҳаракатсизлиги, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акцепт ҳисобланмайди.

Агар қонун ҳужжатларида шартнома бўйича тарафнинг бошқа тарафга шартномани тузиш ёки ижро этиш билан боғлиқ ҳужжатни тақдим этиш мажбурияти назарда тутилган бўлса, кўрсатилган мажбуриятни бажариш шартномани тузиш усулидан қатъий назар амалга оширилади.

Электрон тижоратда шартнома, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фақат электрон ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда тузилганлигига асосланиб ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Ахборот тизимларидан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти электрон тижоратда олиб борилади. Демак электрон савдо масофавий олди-сотди жараёни экан. Масофавий сотишнинг ва масофавий сотиб олишнинг ўзига хос хусусиятлари ва мақсади мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида «Электрон рақамли имзо тўғрисида» 2003 йил 11 декабрь 562-II-сон Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида «Электрон тўловлар тўғрисида» 2005 йил 16 декабрь ЎРҚ-13 Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон тўловлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Электрон тўловлар амалга оширилатганда тўлов тизимининг субъектлари ўртасида юзага келадиган муносабатлар мажмуи тўлов тизимидир.

Тўлов тизимининг турлари:

- банклараро тўлов тизими;
- банкнинг ички тўлов тизими;
- чакана тўловлар тизими.

Банклараро тўлов тизими банклар ўртасидаги электрон тўловларни банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган.

Банклараро тўлов тизимининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Банкнинг ички тўлов тизими банк филиаллари ва миқозлари ўртасида электрон тўловларни амалга ошириш, шунингдек банклараро тўлов тизими билан ўзаро ҳаракатда бўлиш учун мўлжалланган.

Банкнинг ички тўлов тизими қоидалари тўлов тизимининг аъзоси - банк томонидан белгиланади.

Чакана тўловлар тизими банк карталари ва бошқа электрон тўлов воситалари (бундан буён матнда электрон тўлов воситалари деб юритилади) қўлланилган ҳолда электрон тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган. Электрон тўлов воситаси унинг мазкур чакана тўловлар тизимига мансублигини идентификациялаш имкониятини берадиган фарқловчи белгиларга (товар белгисига, хизмат кўрсатиш белгиларига) эга бўлиши керак.

Чакана тўловлар тизимининг қоидалари мазкур чакана тўловлар тизимини тузган ташкилот томонидан белгиланади.

### **1.3. Енгил саноат маҳсулотлари савдосини интернет технологиялари ёрдамида такомиллаштириш**

Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайт томонидан амалга ошириладиган вазифалар жуда оддий бўлиб, қуйидагилардан ташкил топади:

- мижозга маҳсулот (хизмат) ҳақида маълумот бериш;
- мижоздан маҳсулот (хизмат)га буюртма қабул қилиш.

Баъзан (онлайнли тўлов тизимларидан фойдаланилганда) учинчи вазифа-тўлов ҳақини олиш; маълумотни сотишда эса яна тўртинчи вазифа-ҳақи тўланган маҳсулотни жўнатиш қўшилади.

Бугунги кунда “Интернет дўкон” номи остида турли кўлам ва мақсаддаги ечимларнинг кенг спектри таклиф қилинмоқда. Қуйидаги градацияларни таклиф қилиш мумкин:

- интернет-витрина;
- савдо автомати;
- автоматик дўкон.

Интернет-витрина оддий веб-сайтнинг мантиқан ва осон кенгайишидир. Сайтга товарлар ҳақидаги маълумот киритилади ва доимий тарзда янгилаб борилади. Шундай қилиб, келувчи фақат товарлар ва хизматлар ҳақида маълумотни олиши мумкин (у ёки бу даражада батафсил ва долзарб бўлган). Бунда қуйидаги вариантларни ажратиш мумкин:

- оддий HTML-файллар асосидаги статик витриналар;
- баъзи маълумот базаларидан маълумотни акс еттирадиган динамик витрина.

Бундай витринанинг амалда фойдалиги шундай кўриниб турибдики, уни яратиш ва расмийлаштиришга кетган сарф-харажатлар жуда кам бўлиши мумкин, лекин бу ҳали савдо эмас, фақатгина рекламанинг бир тури. Бу ечимда савдо қилувчи фирманинг бизнес-жараёнли интеграцияси йўқ. Харид қилиш

учун яширин харидор аввал Интернет-витринага кириши, кейинроқ эса харид қилишнинг одатдаги жараёнини ўтиши керак: компанияга қўнғироқ ёки ташриф, ҳақ тўлаш ва ш.к. Бундай ёндашув, биринчи навбатда, савдо залида кўп вақтни эгаллайдиган мураккаб маҳсулотни ўрганиш учун жуда қулай.

Интернет витрина шахсий серверда, провайдернинг серверида, бепул саҳифаларни таклиф қилувчи серверда ва ш.к.да жойлаштирилиши мумкин. Витрина билан ишлаш учун Dial-up-уланишга эга бўлиши ва HTML билан ишлашни билиш керак.

“Савдо автомати” номланиши қарор турини яхши таърифлайди. Интернет –витрина амалга оширадиган вазифалардан ташқари савдо автомати буюртмаларни қабул қилиши, сўнгра онлайнга-ёки пакет режимида менеджерга узатиши мумкин. Буюртманинг кейинги ишлови компания учун оддий бўлган схема бўйича амалга оширилади. Мазкур ҳолатда ҳақиқий Товар ҳақида сўз юритилганлиги сабабли сайт ичидагини товарнинг ҳақиқий нархи билан синхронлаш зарур бўлмоқда. Омборда товарнинг борлигини кузатиб бориш муаммоси кўйидаги тарзда ҳал қилинади: автоматга лимит киритилади, сотувлар унинг доирасида амалга оширилади. Вақти-вақти билан омордаги қолдиқлар ўзгаришига қараб лимит ўзгаради (тахминан суткада бир марта)-бу ҳодиса рўзномаларни сотадиган автоматдагига ўхшаш. У оператор солиб кўйган рўзномаларнинг партиясини сотиб бўлиб, қайтадан тўлдирилишини талаб қилади. Интернет-витринадан фарқи шундаки, харид учун буюртмалар ва буюртма товарга ҳақ тўлаш ҳисоб қоғозлари кишининг иштирокисиз ёзиб берилади. Шундай қилиб, хатонинг баҳоси сезиларли даражада оҳсади. Масалан, агар Товар учун пастроқ нарх бўйича ҳисоб қоғози ёзилса ва харидор уни тўлаб бўлса, у ҳолда товарни етказиб бериш билан боғлиқ мажбуриятлар борасида ёқимсиз тушунмовчилик юзага келиши мумкин.

Интернет-витринадан фарқли ўлароқ, савдо автомати ҳақиқий савдо-сотиқни амалга оширади ва харажатларнинг натижага таққосланишига кўра унча катта бўлмаган харидорлар оқими бўлган пилотли ва тестли лойиҳалар

учун кўпроқ тўғри келади. Савдо автоматини ишлатиши учун бизнес-жараёнли интеграция зарур бўлади, чунки сайтдаги маълумот доимий тарзда ва етарли даражада тез янгиланиб турини керак. Шу сабабли корхонанинг ахборотбазаси онлайн-дўкон билан боғланиши зарурияти туғилади. Статис HTML-файллар асосида онлайн-дўконини ташкиллаштириш нафақат самарасиз, балки умуман имконсиз бўлиб қолади. Қилинган буюртмалар тўғрисидаги маълумотни турлича ишлаб чиқиш мумкин: автоматик тарзда ва қўл билан (менеджер буюртмани текширади, сўнгра оддий оффлайнли сингари ишлаб чиқади).

Савдо автоматини Интернет-витрина сингари нафақат ўз серверига, балки провайдер серверига ҳам жойлаштириш мумкин. Савдо автоматини расмийлаштириш умуман мураккаб эмас, бунинг учун dial-up-уланишнинг ўзи етарли. Лекин уни яратиш маълум бир малака ва махсус кўникмаларни талаб қилади.

Нафақат ҳисоб қоғозларини ёзиб берадиган, балки буюртмаларни кузатиб бориш учун воситаларни тақдим етадиган, онлайнли тўлов тизимидан фойдаланилганда эса тўловларни қабул қиладиган ва товарларни харидорларга етказиб бериш учун буюртмаларни тузатадиган автоматик дўкон энг қудратли, тўлақонли ва мураккаб ечим ҳисобланади. Бу моделда менеджер харидорга хизмат кўрсатишдаги зарур бўғин ҳисобланмайди, унинг вазифаси-тизим ишининг умумий назорати. Бу ечим самарали бўлиш билан бирга энг мураккаб ҳамдир. Интернетда савдо қилувчи компаниянинг ишчи ахборот базаси акс эттирилади. Буюртмалар автоматик ишлаб чиқилади, товар омборда эҳтиётлаб қўйилади, қолдиқлар тўғриланади, керакли операсиялар амалга оширилади.

Автоматик дўкон компаниянинг ахборот тизими билан доимий алоқада бўлиши керак. Уни лосал тармоқдаги маҳаллий серверга ёки доимий ишлайдиган алоқа канали бўлган масофадаги серверга жойлаштириш лозим.

Бундан ташқари, компанияда рўй бераётган бизнес-жараёнларни автоматлаштириш тизимига юқори талаблар қўйилади. Бу тизим савдо-сотик билан боғлиқ барча ҳаракатлар автоматик тарзда бажарилишини таъминлаши

хамда кутилмаган вазиятларни аниқлаш учун ички назорат механизмларига ега бўлиши керак.

Кичик ва ўрта бизнес борасида Интернет-бизнеснинг асосий воситалари қуйидагилар ҳисобланади:

- маҳаллий Веб-сайт
- Интернет-дўкон
- Интернет-аукцион
- Ахборот маҳаллий портали
- Интернет-биржа
- Интернет-маркетинг

Маҳаллий Веб-сайт-компания, лойиҳа, товарлар ва хизматлар, фаолият тури, ҳамкорлик таклифлари тўғрисидаги маълумотлар бўлган ахборот варағи.

Вазифалари:

- яширин мижозлар ва ҳамкорларни компания тўғрисидаги маҳаллий маълумот билан таъминлаш;
- қўшимча мижозлар ва ҳамкорларни жалб қилиш;
- захирангизга келувчилар билан икки томонлама алоқани ўрнатиш;
- компания имиджини шакллантириш;
- мижозларни товарлар ва хизматлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш;
- захирага кирувчилар билан икки томонлама алоқани ўрнатиш.

Натижалар:

- веб-сайтнинг узлуксиз ишалши;
- дунёнинг ҳар қайси нуқтасида қулайлиги;
- мижозлар, ҳамкорлар, филиаллар, етказиб берувчиларни ахборот билан таъминлашга кетадиган чиқимларни камайтириш;
- кирувчиларнинг портретини тузиш имконияти.

Интернет-дўкон онлайнли ёки анъанавий бизнеснинг витринаси бўлиб, унда Товар ва хизматларни келгусида сотиш учун уларнинг таклифи

жойлаштирилади. Интернет-дўкон маҳаллий веб-сайтнинг бир қисми ҳам бўлиши мумкин.

Вазифалари:

- товар ва хизматларни сотиш;
- миждозларни товарлар ва хизматлар тўғрисидаги маълумот билан таъминлаш;
- бизнес тўғрисидаги маҳаллий маълумот билан таъминлаш;
- миждоз-сотувчи муносабатлари аниқ автоматлаштирилишини йўлга қўйиш;
- қўшимча миждозлар ва ҳамкорларни жалб қилиш;
- захирага кирувчилар билан икки томонлама алоқани ўрнатиш;
- Интернет-дўкон эгаси имиджини шакллантириш.

Натижалар:

- товарлар ва хизматлар сотувининг ортиши;
- талаб тўғрисидаги маълумотни олиш имконияти;
- маҳсулот бирлигини сотишга кетадиган чиқимларни камайтириш;
- миждознинг портретини олиш имконияти;
- яширин харидор ҳисобланадиган фойдаланувчилар базасини катталаштириш.

Интернет-аукцион савдо витринаси бўлиб, у орқали фойдаланувчи ҳар қандай товарни сотиши мумкин. Бундай аукцион эгасининг иш ҳақи-битимдан тушадиган пуллар. Интернет-дўконнинг бир қисми ҳисобланиши мумкин, у эса, ўз навбатида, маҳаллий веб-сайтнинг бир қисмидир.

Вазифалари:

- иштирокчи-сотувчига бўлганидек, харидорга ҳам хизмат кўрсатиш;
- ҳар қандай Товар ва хизматларни сотиш;
- талаб тўғрисидаги маълумотни йиғиш;
- аукцион эгаси имиджини шакллантириш.

Натижалар:

- пуллар “тер тўкмай” ишлаб топилади;
- бозордаги товарлар ва хизматларга бўлган талаб тўғрисидаги маълумот “биринчи қўлдан” олинади;
- доимий аудитория шаклланади;
- юқоридагиларнинг оқибатида маълум бир аукционга реклама берувчиларнинг аҳамият бериши.

Ахборот маҳаллий портали- кўпгина бизнес-жараёнлар ва компаниянинг ахборот оқимларини ўзида жамлайдиган компаниянинг мураккаб ахборот тизими. Маҳаллий веб-сайт асосида яратилиши ва интернет-дўкон билан интеграцияланиши мумкин.

Вазифалари:

- яширин мижозлар ва ҳамкорларни компания тўғрисидаги маҳаллий маълумотлар билан таъминлаш;
- кўшимча мижозлар ва ҳамкорларни жалб қилиш;
- захирага кирувчилар билан икки томонлама алоқани ўрнатиш;
- компания имиджини шакллантириш;
- масофадан порталга кириш орқали филиаллар ходимлари, дилерлар, ҳамкорлар, етказиб берувчилар билан иш муносабатларини йўлга қўйиш;
- портал орқали ахборот оқимларини марказлаштириш;
- бизнеснинг бизнес-жараёнларини автоматлаштириш;
- компания бўлимлари, филиаллар, етказиб берувчилар ва дилерлар фаолиятини назорати ҳамда ҳисобини олиб бериш.

Натижалар:

- чиқимларнинг камайиши;
- ахборот оқимларининг автоматлаштирилиши;
- компания ходимлари, филиаллар, дилерлар, ҳамкорлар, етказиб берувчиларни тез ва сифатли маълумот билан таъминлаш;
- порталнинг саҳифаўхтов ишлатиши.

Интернет-биржа-савдо майдончаси бўлиб у орқали корхоналар товарлар ва хизматлар билан савдо қилишади. Егасининг иш ҳақи-комиссион пуллар ёки, агар егаси ҳар бир битимда харидор ёки сотувчи бўлса чиқимларнинг камайиши.

Вазифалари:

- интернет-биржа иштирокчиларини маълумот билан таъминлаш;
- корхоналар ўртасида Товар олди-сотдисини ташкиллаштириш;
- ҳақ тўлаш ва етказиб бериш жараёнини уюштириш;
- қўшимча иштирокчилари ва ҳамкорларни жалб қилиш;
- биржа иштирокчилари билан икки томонлама алоқани ўрнатиш.

Натижалар:

- чиқимларни камайтириш;
- оддий қўллаб-қувватлаш;
- ҳақ тўлаш ва етказиб бериш жараёнини автоматлаштириш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- узлуксиз ишлаш;
- катта иш ҳажмлари-катта даромад.

Интернет биржа технологиялари товарлар ва хизматлар савдосининг бартер моделларини ташкиллаштиришга ва клиринг тизимини қўллашга имкон беради.

Интернет-маркетинг-Интернет-бизнеснинг самарали ва муҳим қуролидир.

Вазифалари:

- компания, товарлар, хизматлар, веб-сайт, порталлар, Интернет-дўконлар ва ш.к.нинг реклама аксияларини ўтказиш;
- махсус маркетинг тадбирларини ўтказиш;
- брендлар тузиш;
- пр-тадбирлар ўтказиш;
- бозорнинг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- рақобатчилар фаолиятини таҳлил қилиш;

- фойдаланувчилар билан яқин хизмат муносабатларини йўлга қўйиш.

Натижалар:

- маҳсулотни бўлаган талабни таҳлил қилиш;
- фойдаланувчининг портретини аниқлаш;
- рекламанинг самарасини таҳлил қилиш;
- яширин тарзда деярли чексиз миқдордаги фойдаланувчиларни ўз захирасига жалб қилиш;
- янги миждозлар ва ҳамкорларни топиш.

Анъанавий маркетинг олдидаги устуворлиги:

- анъанавий оммавий-ахборот воситаларига (ОАВ) нисбатан реклама компаниясининг баҳоси арзонроқ;
- ОАВга нисбатан аудиторияси катта;
- реклама оқимини фақат мақсадли аудиториясига йўналтириш имкони;
- рекламанинг самарадорлигини баҳолаш имкони;
- реклама кампаниясининг асосий акцентларини тезкор ўзгартириш имкони.

Интернет-маркетинг анъанавий маркетингнинг рақиби эмас, балки унинг устуворликларга эга давоми ёки бошланиши эканлигини ҳисобга олиш шарт.

#### **1.4. Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари**

Электрон тижорат тизими амал қилишининг асосини интернет дўконлар ташкил қилади. Интернет дўконлар Интернет тармоғида веб-серверни ташкил қилиш асосида тижоратчи томонидан амалга оширилган ваколат дегани. Бундай корхонани ташкил қилишнинг бош мақсади Интернет тармоғининг бошқа фойдаланувчиларига маҳсулотларни сотишни таъминлаш хизматлар кўрсатишдан иборат.

Ахборот коммуникация технологияларининг асосий турларига одатда қуйидагилар киритилади: интернет, электрон почта, факс, маълумотларни электрон алмашиш технологияси, электрон тўлов тизимлари, электрон рақамли имзо, электрон хужжат ва бошқалар. Ушбу технологияларнинг ҳар бир тури электрон тижорат тизимининг меъёрида фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарур.

Мазкур магистрлик диссертацияси ишида асосий мақсади қилиб енгил саноат маҳсулотлари савдосини ташкил этиш динамик веб-сайтини яратиш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган.

Ишни бажариш давомида қуйидаги вазифалар бажарилади:

- Енгил саноат маҳсулотлари анъанавий ва электрон савдоси таҳлил қилинади;
- Электрон тижорат соҳасидаги ҳуқуқий меъёрий асослари таҳлил қилинади;
- Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтнинг маълумотлар базаси лойиҳалаштирилади;
- Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтни яратиш технологиялари таҳлил қилиниб, оптимали танлаб олинади;
- Енгил саноат маҳсулотларини интернетдаги савдоси учун тўловларни амалга ошириш механизми фойдаланилади;
- Енгил саноат маҳсулотларини интернетдаги савдоси бўйича динамик веб сайтни ташкилий таъминоти кўрилади;
- Енгил саноат маҳсулотларини интернетдаги савдоси бўйича динамик веб сайт яратилади.

## I бобга хулоса

Диссертациянинг биринчи бобида енгил саноат маҳсулотлари савдоси ҳозирги ҳолатининг таҳлили кўриб чиқилган. Жумладан:

- бобнинг биринчи бўлимида енгил саноат маҳсулотлари анъанавий ва электрон савдоси таҳлил қилинган. Бунда электрон ҳамда анъанавий тижоратнинг ўхшашлик ва фарқлари келтирилган. Енгил саноат маҳсулотлари билан савдо қилувчи бир неча динамик веб сайтлар кўрилган.
- иккинчи бўлимда электрон тижорат соҳасидаги ҳуқуқий меъёрий асослар таҳлили келтирилган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор қонунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий асослари кўрилган.
- Учинчи бўлимда енгил саноат маҳсулотлари савдосини интернет технологиялари ёрдамида такомиллаштириш ёритилган.

Бугунги кунда “Интернет дўкон” номи остида турли кўлам ва мақсаддаги ечимларнинг кенг спектри таклиф қилинмоқда. Қуйидаги градацияларни таклиф қилиш мумкин: интернет-витрина, савдо автомати, автоматик дўкон.

## **II БОБ. ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН САВДОСИ ДИНАМИК ВЕБ САЙТИНИ ЯРАТИШНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ**

### **2.1. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтининг маълумотлар базасини лойихалаштириш**

Тўхтовсиз кўпайиб бораётган ахборот ҳажмини умумлаштиришнинг энг маъқул усуллари излаб топишга оид фаол фаолият 60-йилларнинг бошида “Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари” (МББТ) деб номланадиган махсус дастурлар мажмуи яратилишига олиб келди.

МББТ нинг асосий хусусияти-бу нафақат маълумотларнинг ўзини, балки улар тузилишининг таърифини ҳам киритиш ва сақлаш учун жараёнлар мавжудлигидир. Ўзида сақланаётган маълумотларнинг таърифига ега бўлган файллар маълумот банклари деб, сўнгра “Маълумотлар базаси”(МБ) деб номлана бошлади.

Маълумотлар базаси ўзаро боғлиқ бўлган маълумотларнинг машина ташувчисидида ташкиллаштирилган йиғиндиси ҳисобланади ва бир соҳанинг турли мазмунлари-ҳақиқий объектлар, жараёнлар, воқеалар ёки ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларини ўз ичига олади.

МББТ ҳар қайси фойдаланувчига маълумотга кириш имконини бериши керак, ҳатто қуйидагилар ҳақида деярли маълумотга эга бўлмаганлар учун ҳам:

- ахборотни ва уларнинг таърифини мияга жисмонан жойлаштириш;
- сўралган ахборотни излаш механизмлари;
- бир вақтнинг ўзида кўпгина фойдаланувчилар (амалий дастурлар) томонидан бир хил маълумотлар сўралганда юзага келадиган муаммолар;
- маълумотларни беодоб янгиланишлардан ва берухсат киришдан ҳимоялашни таъминлаш усуллари;
- маълумотлар базасини долзарб ҳолатда сақлаш ва МББТ нинг бошқа кўпгина функциялари.

Бу функциялардан асосийларини бажаришда МББТ маълумотларнинг турли таърифларини қўллаши лозим.

Табиийки маълумотлар базасининг лойиҳасини маълум бир соҳани таҳлил қилишдан ва айрим фойдаланувчиларнинг (маълумотлар базасига тегишли бўлган ташкилот ходимлари) унга қўядиган талабларини аниқлашдан бошлаш керак. Одатда, лойиҳалаш маълумотлар базаси маъмури бўлган кишига (гуруҳга) топширилади. Бу ташкилотнинг алоҳида ажратилган ходими ҳам бўлиши, маълумотларни машинада ишлаб чиқишни яхши биладиган, келгусида маълумотлар базасидан фойдаланувчи ҳам бўлиши мумкин.

#### *Маълумотлар сақлаш тузилмаси ва формати*

Маълумотлар базаси – бу электрон дўконнинг асоси, уни пухталиқ билан лойиҳалаш зарур (расм 2.1.).

Реляцион МББТнинг асосий тушунчалари:

– реляция (оддий маълумот бирлиги жадвали) маълумотларнинг сатрлари ва устунларига эга икки ўлчамли жадвал;

– маълумотларнинг реляцион модели-маълумотларни жадваллар ёки реляциялар кўринишида тузади ва акс эттиради;

– реляцион маълумотлар базаси - реляцион моделга қурилган маълумотлар базаси;

– атрибутлар - объект, воқеа, ходисанинг белгилари, ўлчамларини акс эттирадиган жадвал устунчалари;

– реляция даражаси - реляция атрибутларининг миқдори. Бунда реляциянинг ҳеч қайси икки атрибути бир номга эга бўлмаслигини ёдда тутиш зарур;

– қортежлар - жадвал сатрлари, аниқ бир воқеа ёки ходисага тўғри келади;

– атрибут соҳаси - атрибутлар эга бўлиши мумкин бўлган барча маънолар тўплами. Агар иш жараёнида атрибут қўлланилмайдиган ёки сатрдаги бир ёки бир нечта атрибутларнинг маънолари маълум бўлмаган ҳолат

юзага келса, сатр маълумотлар базасига шу атрибутларнинг бўш маънолари билан ёзилади;

- калит-реляцион жадвалнинг ҳар бир кортежини бир маънода таърифлайдиган атрибутларнинг тўплами;

- реляция калити - калитни, шунингдек, атрибутни ҳар бир маъносини кортежда бир хил таърифлайдиган (ёки вазифасини белгилаб берадиган) атрибутларнинг минимал кўплиги деб ҳам таърифлаш мумкин;

- таркибий калит - икки ёки ундан ортиқ атрибутларга эга калит;

- яширин (потенциал) калит - ҳар қандай реляцион жадвалда биттадан ортиқ атрибутлар тўплами бўлиши мумкин. Одатда, бирламчи калит сифатида яширин калит танланади, чунки кундалик иш жараёнида маълумотларни киритишда ундан фойдаланиш осон;

- бирламчи калит - ёзувни бир хилда идентификациялайдиган хошиялар ёки хошиялар тўплами;


- ташқи калит - бошқа (ёки худди шу) жадвалнинг калити ҳисобланадиган бир жадвал атрибутларининг тўплами, жадвал ўртасидаги мантиқий алоқаларни аниқлаш учун қўлланилади. Ташқи калит атрибутлари улар тўғри келадиган калит атрибутларидек номга эга бўлишлари шарт эмас;

- рекурсив ташқи калит - ўзининг шахсий реляцион жадвалига таянадиган ташқи калит;

- ота-оналик реляцияси (жадвали) - хошиялари бошқа жадвалга кирадиган жадвал;

- шўба реляция (жадвал) - хошиялари бошқа жадвал хошияларидаги ахборотдан фойдаланадиган жадвал;

- Индекс-жадвалларда сақланаётган маълумотларга, уларни олдиндан саралаб олиш йўли билан тез кириш механизмлари



Расм 2.1. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтнинг маълумотлар базасини лойihalаштириш

Маълумотлар модели – МББТ да қўлланиладиган маълумотларни мантиқан ташкиллаштириш усулидир. Иерархик, тармоқли ва реляцион моделлар энг оммабоп ҳисобланади.

Интернет - дўкон маълумотларини тақдим этиш воситаси сифатида реляцион моделдаги маълумотлар базасини танлаш керак деб ҳисоблайман. Реляцион маълумотлар базаси куйидаги афзалликларга эга:

- Маълумотларни оддий икки ўлчамли жадвалларда бериш;
- Маълумотларни сақлашнинг саҳифакорлиги ва бир шакллилиги;
- SQL технологияларни қўллаб-қувватлаш, яъни структуралаштирилган сўровларнинг универсал тили – SQLдан фойдаланиш имконияти.

Шу сабабларга кўра реляцион базалар дунёда кенг тарқалган. Эслатиб ўтамиз, маълумотлар базаси деганда гуруҳ, корхона, минтақа, мамлакат, дунё аҳолиси ходимлар томонидан биргаликда ишлатиладиган қайсидир маънода бир хиллаштирилган маълумотлар йиғиндиси тушунилади. Маълумотлар базасининг вазифаси - барча қизиқтириши мумкин бўлган маълумотларни бир ёки бир нечта жойларда сақлаш бўлиб, бунда керагидан ортиғи олдиндан истисно этилади. Яхши лойihalаштирилган ортиқчалиги истисно қилинади ва

бир - бирига зид маълумотларнинг ўта ортиб кетишини камайтириш ва уларнинг ишончлилигини ошириш.

Компютерда маълумотларни самарали тақдим этиш учун биз, аввало маълум бир талабларга (ишлаб чиқиладиган тизимга дахлдор) жавоб берадиган форматини олишимиз керак. Бизнинг вазиятда Интернет дўконнинг ахборот базасини сақлаш ва тақдим этиш формати куйидагиларга жавоб бериши лозим:

- Киритиш ва келгусида таҳрирлаш имкониятини бериш;
- Маълумот ишончли сақланишини таъминлаш, яъни вақт ўтган сари ва ахборотни кўчириш ёки олишда бузилмаслик;
- Максимал тарзда стандартлаштирилган бўлиши, яъни дастурий таъминот ва айниқса, маълумотлар бир машинадан бошқасига кўчирилганда (хатто бошқа операцион тизим ёки платформа билан) имкон қадар базанинг сақланиши ва бирламчи кўринишига таъсир қилмаслиги керак;
- Эгилувчан ва кенгаювчан бўлиши, яъни шахсий қурилган кенгайиш воситаларига эга бўлиши, бошқача айтганда, очик бўлиши керак;
- Маълумотларни сақлаш ва узатишда имкон қадар жуда кам ҳажмни эгаллайдиган қилиб тузиш. Бу омил маълумотларни тармоқ бўйича (айниқса, модем бўйича) узатишда маълум бир устиворликка эга бўлади.

Ахборотни сақлаш формати сифатида Unicode форматини танладим, у иккала мижозлар ва сервер МББТ MySQL, Microsoft Access да ҳамда Microsoft SQL Serverда қўллаб-қувватланади. Мазкур форматда маълумот ишончли сақлаб қолинади ва кичик ҳажмдаги хотирани эгаллайди бу ахборотни модем орқали масофадаги маълумотлар базаси серверига узатишда муҳим омил ҳисобланади.

Табиийки, маълумотлар базаси билан ишлайдиган илованинг ҳаёт босқичидаги энг аҳамиятли омил лойиҳалаштириш босқичи ҳисобланади. Базанинг тузилиши қанчалик яхши ўйлаб чиқилганига, унинг элементлари ўртасидаги алоқалар қанчалик аниқ белгиланганлигига қараб тизимнинг

унумдорлиги ва унинг маълумотларга бойитилганлиги, демакки, унинг яшаш вақти боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, яхши лойиҳалаштирилган маълумотлар базаси:

– Маълумотлар базаси ичидагига фойдаланувчилар томонидан қўйиладиган барча талабларга жавоб беради. Базани лойиҳалаштиришдан олдин фойдаланувчиларнинг маълумотлар базаси ишига доир талабларини кенг миқёсида текшириб чиқиш зарур.

– Ахборотнинг бир-бирига зид бўлмаслиги ва бутунлигини кафолатлайди. Жадвалларни лойиҳалаштиришда уларнинг атрибутларини ва фойдаланувчи томонидан нотўғри белгилар киритилиши эҳтимолини чеклайдиган айрим қоидаларни аниқлаб олиш зарур. Маълумотларни бевосита жадвалга ёзиб олишдан олдин уларни верификациялаш учун маълумотлар базаси маълумотлар модели қоидаларини чақириш ва шу орқали уларнинг бутунлиги сақланишини кафолатлаш керак.

– Қабул қилиш учун табиий, осон бўлган маълумот тузилишини таъминлайди. Базани сифатли тузиш базага тушуниш учун осон ва равшан бўлган сўровларни қилиш имконини беради; бинобарин, беодоб маълумотлар кириши эҳтимоли камаяди ва базани кузатиш сифати яхшиланади.

– Фойдаланувчиларнинг маълумотлар базаси унумдорлигига бўлган талабларига жавоб беради. Маълумотлар ҳажми катта бўлганда унумдорликни сақлаб қолиш масаласи асосий ўрин тутади ва лойиҳалаштириш босқичидаги барча хатолари дарҳол юзага келади.

Қуйидаги бандлар маълумотлар базасини лойиҳалаштиришнинг асосий талабларини акс эттиради:

1. Маълумотлар базасининг маълумотга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш.
2. Маълумотлар базасида моделлаштириш зарур бўлган, реал дунё объектларини таҳлил қилиш. Бу объектлардан моҳиятларини ва шу моҳиятларининг тавсифларини шакллантириш (масалан, “деталь” моҳияти

учун “номи”, “ранги”, “оғирлиги” ва ҳ.к.лар тавсиф бўлади) ва уларнинг рўйхатини тузиш.

3. Моҳияти ва тавсифига мувофиқ тарзда Сиз танланган МББТ нотациясида жадваллар ва устунларни қўйиб чиқиш.

4. Ҳар бир объектни ноёб тарзда идентификациялайдиган атрибутларни белгилаш.

5. Маълумотлар бутунлигини ўрнатадиган ва қўллаб турадиган қоидаларни ишлаб чиқиш.

6. Объектлар (маълумотлар базаси жадваллари) ўртасида алоқа ўрнатиш, жадвалларни меъёрлаштириш.

Ахборотларнинг ишончли ва зарур бўлганда, маълумотлар махфийлигини сақлаш масалаларини режалаштириш.

## **2.2. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтни яратиш технологиялари**

Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтини яратиш учун зарур бўладиган дастурий воситалар қуйидагилардир:

- Веб технологияларга асосланган дастурлаш тили;
- Маълумотлар базасини бошқариш тизими;
- Динамик веб сайтни ишга тушириш учун Веб сервер.

Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтини яратишда PHP дастурлаш тилидан фойдаланиш энг маъқул вариантдир. PHP дастурлаш тили танланганлигининг сабаблари, бу дастурлаш тили дастурловчи учун жуда қулай ҳамда бу тил айнан Интернет учун яратилган. PHP нинг асосий рақиблари – Perl, ASP, ColdFusion ва Java технологияси.

PHP ва Java. Java технологияси ўзига клиент ва сервер қисмларини бириктиради ва яна маълумотлар базаси билан боғланиш имконини беради,

шунинг учун Java технологиясини Apache/PHP/MySQL боғланмасига тенглаштирилади. Java технологияси платформаларо технология кўринишида ишлаб чиқилган, фойдаланувчилар корпоратив масштабдаги Web сайтларни яратиши мумкин. Бу технологиянинг асосий устунлиги платформаларо кўчиши ва объектга мўлжалланган дастурлаш тили, қайсики қийин ва катта иловаларни яратиш учун. Камчиликлари секин бажарилиши ва хотирани катта талаб қилиши ва Web иловаларни ишлаб чиқариш қийинчилиги. PHP мослашувчанлик ва масштабланиш бўйича деярли Java дан қолишмайди. Бир канча оддий иловаларда ўзини етарли оқлаган лекин жиддий иловаларда четлаб ўтади.

PHP ва ASP.NET. ASP (Active Server Pages) – Microsoft томонидан сценарийлар тилидир. ASP PHP дан кейин туради чунки сценарий бажарилиш пайтида ASP.NET технологияси ситуацияси ўзгариши пайдо бўлади.

PHP ва ASP.NET ни яна бир масала устида солиштирсак, агар катта корпорация кўпгина серверлар ва клиент машиналар томонидан интранет ташкил қилинган бўлса ва бу тизим Windows да бошқарилса ASP.NET яна бир бор ўз устунлигини намоён қилади.

PHP ни яна бир устунлиги бошловчилар учун қулай ва Интернетга жойлаштириш осон кечади. Шунинг учун ҳозирги кунда PHP кенг кўлланилмоқда.

PHP ва ColdFusion. ColdFusion пакети Allaire фирмаси томонидан тузилган. Интерактив ва динамик веб саҳифаларни тайёрлаш учун, веб хужжатларни қайта ишлаш ва маълумотлар базасидан маълумот олиш учун яхши. Минус томонлари ColdFusion ташиб юриш қийинчилиги PHP ни олсак деярли барча платформада ишлай олади. ColdFusion эса фақат 4 та: Win32, Solaris, HP/UX ва Linux. ColdFusion жуда кам тарқалган ва PHP га нисбатан катта ресурс талаб қилади.

PHPда хавфсизлиги юқори ва дастур тузиш бирмунча енгил. PHPни серверга ўрнатиш қулай чунки PHP код машина кодига яқин. PHP тили MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизими билан яхши ишлайди.

Ушбу келтирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтини яратишда PHP дастурлаш тилидан фойдаланилади.

Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтнинг маълумотлар базасини бошқариш тизимини танлашда MySQLга тўхталди. MySQL – катта бўлмаган, ихчам кўп оқимли маълумотлар базаси сервери. MySQL юқори тезлиги, бардошлилиги ва қўллашда осонлиги билан тавсифланади.

Аслида MySQL кичик ва ўрта иловалар учун идеал ечим деб ҳисобланади.

MySQL – сервер нотижорат фойдаланиш учун бепул. Тижорат йўлида фойдаланиш учун лицензияга эга бўлиш зарур.

MySQL имкониятларини қисқача келтирамыз:

1. Маълумотлар базаси билан ишлайдиган, сони чекланмаган, фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлайди.
2. Жадваллардаги сатрлар 50 млн. га етиши мумкин.
3. Буйруқларни тез бажарилиши. Балки MySQL мавжуд серверлардан энг тезкоридир.
4. Хавфсизликни оддий ва эффектив тизими.

MySQLни дастурий таъминоти жуда тезкор кўп оқимли, кўп фойдаланувчили, ишончли маълумотлар базаси SQL – серверидир (SQL – структураланган сўровлар тили). Сервер MySQL ҳам ишлаб чиқариш тизимлари масалалари бўйича критик, ҳам оммавий тарқатиш дастурий таъминоти учун мўлжалланган.

Очиқ кодли дастурий таъминотни ихтиёрий шахс ўзгартиришлар киритиши мумкин. Бундай дастурий таъминотни интернет тармоғи орқали

олиш мумкин ва текин ишлатиш мумкин. MySQL дастурий таъминотини қўллаш шартлари лицензияда кўрсатилган. GPL лицензияси бўйича ишлашни хохламасангиз тижорат лицензияланган версиясини MySQL AB компаниясидан сотиб олишингиз мумкин.

Қандай ҳолларда MySQL МББТ ни танлаш зарурлигини кўриб чиқамиз.

MySQL жуда тезкор, ишончли ва қўллашда қулайдир. Агар сизга бу томонлари ёқса сиз бу серверни қўллашингиз мумкин. MySQL қатор афзалликларга эга. MySQL биринчи бўлиб катта маълумотлар базасини бошқариш учун, ишлатиш учун ишлаб чиқилган. Бир неча йиллар давомида бу сервер самарали ишлаб келмоқда. MySQL кундан кунга янгиланиб боришига қарамай ҳозирги кунда ҳам кенг функцияларни бажаради. Ўзининг қўллашда осонлиги, тезлиги ва хавфсизлиги туфайли интернет тармоғида кенг қўллаб келинмоқда.

Веб-сервер масаласига келсак, бизнинг мисолимизда Apache веб-сервер энг қулай вариантдир. Веб-сервер кўп соҳаларда ишлатилиши мумкин, масалан Интернет дўконда, қидирув системасига, масофадан ўқитиш тизимига хизмат кўрсатиши мумкин. Серверни танлаш интернетда нима билан шуғулланмоқчи эканлигимиздан келиб чиқади.

### **2.3. Енгил саноат махсулотларини интернетдаги савдоси учун тўловларни амалга ошириш механизми**

Компанияларнинг интернетда фаолият кўрсатувчи, ўз хизмат ёки товарларига электрон шаклда тўловни амалга ошириш орқали тўлақонли савдо тизимини яратиш учун мавжуд электрон тўлов тизимларидан бирига уланиш, улар хизматидан фойдаланишни ташкил этиш зарур. Мамлакатимизда мавжуд тўлов тизимларига уланадиган бўлса, уларнинг имкониятлари ва шартлари билан танишиб чиқиш зарур бўлади. Агар уларда етарлича имконият тақдим

этилмайдиган бўлса, у ҳолда чет эл тўлов тизимлари ва тўлов воситаларидан фойдаланишга тўғри келади. Бунинг учун эса айнан шу тўлов тизимидан мамлакатимиз ҳудудида фойдаланиш учун етарлича ҳуқуқий-меъёрий асос бўлиши керак. Шуларни эътиборга олган ҳолда, енгил саноат маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи компания фаолиятини ташкил қилишда қўлланилиши мумкин бўлган миллий электрон тўлов тизимларини ахволини ўрганиб чиқиб, таҳлил қиламиз.

Охириги йилларда тўловни он-лайнда амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилди, аммо универсал стардарти ишлаб чиқилмаган эди.

Он-лайн тарзда тўловни амалга ошириш стандарти қуйидаги шартлардан иборатдир /12,23/:

- Барча учун фойдаланиш қулайлигига эга бўлиши (харидорлар, сотувчилар ва учинчи томон буюртмачи ёки молиявий ташкилотлар учун);
- Барча учун ўрнатиш ва қўллаш мумкинлиги;
- Глобал кўринишда ишлаши;
- Барча учун юқори хавфсизликни таъминланиши.

Ўзбекистонда ҳозирда бир нечта электрон тўлов тизимлари мавжуд. Уларнинг айримлари билан танишиб чиқсак.

#### *eKarmon электрон тўлов тизими*

«eKarmon Group» Масъулияти чекланган жамияти 2008 йилда ташкил этилган. Компания «eKarmon» интернет-тўловлар тизими оператори саналиб, миллий валютага боғланган биринчи маҳаллий электрон тижорат тизими ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 июндаги 120-сонли «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Бошланғич Лойиҳа сифатидан эълон қилинган.

«е» белгиси Интернет маъносини англатади. Яъни, «eKarmon» сўзини электрон кармон деб билиш мумкин.

«eKarmon» - бу электрон тижорат иштирокчиларига Интернет тармоғи орқали бир зумда товар/хизматларни шахсий ноёб электрон рақамли имзоларни (ЭРИ) қўлланган ҳолда сотиб олиш/ харид қилиш имконини берувчи интернет тўловлар тизимидир. ЭРИ «Multisoft Solutions» компаниясининг ЭРИ калитларини Рўйхатга Олувчи Маркази (КРОМ) томонидан берилган ЭРИ калитлари Сертификатлари асосида амал қилади. Тизим миллий валюта Сўмга боғланган бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

*«eKarmon» интернет-тўловлар тизими технологияси*

Тизимда товар/хизматлар тўлови Харидорнинг электрон ҳисобидан шахсий банк рақами ҳисобига пул маблағларини чиқариш имконига эга бўлган Сотувчининг электрон ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.



Расм 2.2. Товар/хизматлар учун тўловни амалга ошириш технологияси

*iPay электрон тўлов тизими*

2008 йил 1 август кунидан бошлаб, *iPay* тўлов тизими бутун Ўзбекистон бўйлаб ўз фаолиятини бошлади

*iPay* - бу UzExдаги биржа савдоларида, [www.uzbex.com](http://www.uzbex.com) глобал савдо майдончасида, ҳамда *iPay* тизимига қўшилган интернет дўконларда онлайн

тўловларни амалга ошириш имконини берувчи, Ўзбекистон Республикаси товар ҳом-ашё биржасининг (УзРТХБ) тўлов тизимидир.

УзРТХБ бугунги кунда минтақанинг энг йирик савдо майдончаси бўлган ҳолда, узоқда жойлашган брокерларга нафақат савдога қўйилган товарларнинг параметрлари тўғрисидаги листинг маълумотларини олиш, балки реал вақт режимида савдоларда иштирок этиш имконини ҳам беради.

Бундан ташқари яратилган динамик веб сайтдан нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки чет давлатларининг фуқаролари ҳам фойдаланишлари мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тўлов тизимларига уланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

*Яндекс деньги тўлов тизими.* Бу тўлов тизимининг аъзоси бўлиш учун махсус дастурни ўрнатиш кифоя. Дастур Интернет Кошелек деб номланади, уни тизимнинг интернет сайтидан бепул кўчириб олиш мумкин. Бунда тизимда автоматик тарзда ҳисоб рақам очилади, бу ҳисоб рақам дастур билан боғланган бўлади. Бу ҳисоб рақамга исталган вақтда маблағ тушириш ва у ёрдамида ҳисоб китобларни амалга ошириш, шунингдек маблағ қабул қилиш мумкин. 2.3-расмда Яндекс деньги тўлов тизимини ишлаш схемаси кўрсатилган.




Расм 2.3. Яндекс деньги тўлов тизимини ишлаш схемаси

*ASSIST тўлов тизими* (<http://www.assist.ru>). Ассист тизими 1999 йил апрелда ишга тушган бўлиб, у интернетга уланган ихтиёрий компьютерда

интернет провайдерлари мижозларнинг шахсий ҳисоб варақаларидан ёки кредит карточкаларидан "Online" режимда авторизация ўтказиш ва тўловларни қайта ишлаш имконини яратади.

ASSIST тизими орқали Интернет магазинда олди - сотдини ҳисоб - китоб қилиш учун *Visa, Euro, Card, Master Card, Diners Club, 7CB, American Express* кредит карточкаларига эга бўлиш ёки йирик интернет провайдерлардан бирининг мижози бўлиш керак. Шундай қилиб, ASSIST асосан кредит карточкалари орқали ишловчи тизим бўлиб, ўзида дебит схемасининг баъзи элементларини ҳам мужассамлаштирган. Бу тизимнинг ишлаш принципи ўзига хос бўлиб, у 2.4-расмда кўрсатилган.



Расм 2.4. ASSIST тўлов тизимининг ишлаш схемаси

### *WebMoney Transfer электрон тўлов тизими*

1998 йил 24 ноябрда Интернет тизимида товар ва хизматлар бозори иштирокчилари ўртасида ҳисоб-китобларни хавфсиз реал вақт оралиғида амалга ошириш, шунингдек хусусий пул ўтказмаларини амалга ошириш имкониятини берувчи WebMoney Transfer электрон тўлов тизими ўз фаолиятини бошлади. WebMoney Transfer – бу электрон ҳисоб тизими бўлиб,

унда барча фойдаланувчилар универсал ҳисоб бирликлари билан айира бошлашлари мумкин: WM титул белгилари билан Интернет тизимида товар ва хизматлар учун тўлов сифатида қабул қилиниши мумкин, ундан ташқари WM титул белгиларини кенг тарқалган WM айира бошлаш шаҳобчалари орқали банк ёки почта ўтказмаларига, бошқа титул белгиларига айира бошлаш мумкин.

Ўз компютерида WM Keeper мижозлик дастурий таъминот тизимини ўрнатиш билан WebMoney Transfer тизими фойдаланувчиси мақомини олади. Ҳар бир WebMoney Transfer тизими фойдаланувчиси ўз шахсий WM-хамёни очади (ёки турли хилдаги WM титул белгилари учун бир неча хамёнларни), бу хамёндан бошқа бир исталган хамёнга товар ва хизматлар учун тўлов сифатида маблағларни бир зумда ўтказиши мумкин, ёки хусусий ўтказмани амалга ошириши мумкин. Бунда ўтказма учун фойиз – ўтказма миқдоридан 0.8%, бироқ мутаносиб равишда 50 доллардан ошмаган ҳолда. Титул белгиларининг ҳисоби, сақланиши ва бир зумда бир фойдаланувчининг ҳисобидан бошқа фойдаланувчи ҳисобига ўтказилиши WM Keeper мижозлик дастурий таъминот тизими томонидан олиб борилади. WebMoney Transfer тизимида молиявий ва ҳуқуқий кафолатни Тизим гарантлари таъминлайди.

Ҳавфсизлик тадбирлари мажмуаси фойдаланувчиларнинг маблағларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олади ва маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди. Махфий хабарлар орқали бошқа фойдаланувчилар билан ёпиқ мулоқот олиб бориш, шартнома қисмларини муҳокама қилиш, тўловларни шарҳлаб бориш мумкин. Амалда кўрсатилганидек, WebMoney Transfer тизимининг химояланганлик даражаси бошқа тўлов тизимлариникидан кўра анча юқори.

Юқоридагиларни эътиборга олиб ҳамда мамлакатимиз тўлов тизимларини муҳокама қилиб, шуни айтиш мумкинки, енгил саноат маҳсулотлари билан савдо қилувчи интернет дўконни e-Кармон электрон тўлов тизимига боғлаш мумкин.

## II бобга хулоса

Иккинчи боб енгил саноат маҳсулотларини электрон савдоси динамик веб сайтини яратишни лойиҳалаштиришга бағишланган.

1. Биринчи бўлимда енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтнинг маълумотлар базаси лойиҳалаштирилган. Маълумотлар модели – МББТ да қўлланиладиган маълумотларни мантиқан ташкиллаштириш усулидир. Иерархик, тармоқли ва реляцион моделлар энг оммабоп хисобланади. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайт маълумотларини тақдим этиш воситаси сифатида реляцион моделдаги маълумотлар базаси танланди.
2. Иккинчи бўлимда енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтни яратиш технологиялари кўриб чиқилди. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтни яратишда PHP дастурлаш тилидан, маълумотлар базасини бошқариш тизими сифатида MySQLдан ва веб-сервер масаласида Apacheдан фойдаланишга тўхталди.
3. Учинчи бўлимда енгил саноат маҳсулотларини интернетдаги савдоси учун тўловларни амалга ошириш механизми ёритилган. Бунда *eKarmon*, *iPay*, Яндекс деньги, ASSIST, WebMoney Transfer электрон тўлов тизимларининг ишлаш технологиялари асосида электрон дўконда тўловларни амалга ошириш усуллари келтирилган.

## **III БОБ. ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТДАГИ САВДОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДИНАМИК ВЕБ-САЙТИНИ ЯРАТИШ**

### **3.1. Енгил саноат маҳсулотларини интернетдаги савдоси бўйича динамик веб сайтни ташкилий таъминоти**

Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтни яратиш ишларини Windows операцион тизими ўрнатилган компьютер асосида амалга ошириш мумкин. PHP интерпретатори ишини таъминлаш учун Web серверни ўрнатиш зарур. Оммабоплиги, кўпгина хост провайдерларда ўрнатилганлиги сабабли Apache сервери танлаб олинган, Windowsга бўлганидек, Unix/Linux операцион тизимларига ҳам мос версиялар мавжуд, бунинг устига маҳсулот текин тарқатилади. Дастурий таъминотни ишлаб чиқишдан олдин Web сервердан ташқари қуйидагиларни ҳам ўрнатиш керак: PHP нинг ўзини, MySQL МББТни, МБ билан ўзаро мулоқат учун мижозлар иловасини ва электрон хатларни жўнатиш эмулятори. Бу иловаларнинг барчасини ўрнатиш, уларнинг ўзаро ишини таъминлаш мақсадида созлаш керак. Мазкур иловаларнинг пухта созлаш учун конфигурацион файлларга киритилган кўпгина параметрларни ўрганиб чиқиш лозим, чунки уларда созлашнинг графикли интерфейси йўқ. Ҳозирги кунда тайёр пакетлар мавжудки, улар ёрдамида қўллашга тайёр бўлган ишлаб чиқиш муҳитига эришиш мумкин.

Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайт Denver муҳитида яратилди. Ушбу пакет барча зарур нарсага эга бўлиб, деярли ортиқча нарса йўқ. Ҳар қандай комплекс сингари у ҳам ядрога эга, 2 МБ га яқинни эгаллайдиган “базавий тўплам”. Кенгайтириш пакетлари бор бўлиб, улар керакли компонентларни ўрнатиш имконини беришади. Базавий тўплам керакли дастурларга эга:

- Apache, SSI, mod\_rewrite, mod\_php.
- PHP GD ва MySQL ёрдами билан.
- MySQL транзаксиялар (mysqld-max) ёрдами билан.

- phpMyAdmin – Веб-интерфейс орқали MySQL бошқариш тизими. MySQL буйруқ бериш сатрининг ўрнини босади.

- Perl ядроси андозавий кутубхоналарсиз (улар алоҳида етказиб берилади).

- Sendmail эмулятори (келаётган хатларни /tmp га тахлайдиган, созловчи “заглушка”); PHP ва Perl билан биргаликда ишлайди.

- Шаблонларга асосланган виртуал хостларни бошқариш тизими. Янги хостни яратиш учун /home каталогига директорияни қўшсангиз бўлди, конфигурацион файлларни тўғрилаб бошқариш талаб қилинмайди.

- Ишга тушириш ва тугатишни бошқариш тизими.

- Инсталлятор (InstallShield)

Тўпламни ўрнатиш унга киритилган дастурларларни билиш талаб қилинмайди, у жуда оддий ва тушунарли. Фойдаланишда тизим ишончли. Яқин пайтгача ҳам тизимга янги виртуал хостни қўшиш синчковликни талаб қилар ва куйидаги босқичлардан иборат эди:

- Сайт каталоглари дарахтини тузиш. Одатда, ҳар бир сайт /ҳомеларда алоҳида директория қилиб берилган - масалан, лосалхост сайти /home/localhost/ да жойлашган.

Бироқ, сайт ва унинг ҳужжатлар директорияси-турли нарсалар, шунинг учун биринчиси, одатда, /home/localhost/www/ манзили бўйича жойлаштирилади, (директория эса CGI-скриптлар билан - /home/localhost/cgi/ га). Аниқлик учун хостни test.uz номи билан тузиш керак деб ҳисоблаймиз.

- Localhostни лосал машинанинг IP-манзили билан боғлаш учун ҳост тизимли файлини модификациялаш – 127.0.0.1. Шундай қилиб, локал машинадаги барча виртуал хостлар бир хилдаги IP-манзилга эга.

- Apache httpd.conf. конфигурацияли файлини тўғрилаш. Айнан шу вақтда кўпгина муаммолар юзага келади: бирон нарса ёддан чиқади, нимадир ёзилмай қолади ва ҳоказо.

- Ўзгаришлар кучга кириши учун серверни қайта ишга тушириш.

Denver лойиҳаси пайдо бўлгач, вазият анча соддалашди. Энди янги хостни қўшиш учун қуйидагиларни бажариш зарур:

Умумий ҳолда PHPга дастурларни ёзиш учун махсус дастурий таъминот талаб қилинмайди - ҳар қандай матн муҳарриридан фойдаланиш мумкин, `php.ini` ни созлаш-хатолар ва огоҳлантиришлар тўғрисидаги барча хабарларни чиқариш учун `php` интерпретатори конфигурацияси файли.

Дастурни бажариш давомида ўзгарувчан бўладиган, ёзиб олинган қиймат кодини йўлга қўйиш жараёнида чиқаришнинг андозавий буйруғи `echo` ёрдамида акс эттириш. Бу ечим бир қатор камчиликларга эгадир, хусусан:

- ўзгарувчан қийматларни чиқариш кодини ёзиш бўйича ортиқча ишлаш зарурияти (масалан, зарур бўлганда массив тузилишини акс эттириш);
- келгусида кодни ишлатиш имконияти бўлган тўхтатиш нуқталарини ўрнатиш мумкин эмаслиги, ёқиладиган файл сўралганда, шу қисмдаги кодни кўриб чиқиш керак бўлганда, бу файлни излашга вақт сарфлаш зарур.

PHP иловаларни ишлаб чиқишнинг махсус воситалари ҳам мавжуд, кодни ўзини ёзиш учун тез ва қулай бўлган, синтаксис кўрсаткичи, буйруқлар бўйича қурилган маълумотномали тизими бўлган оддий билан бир қаторда, кодни ёзишда талай қулай воситаларни, синтаксис кўрсаткичидан тўлиқ киритилмаган буйруқлар, функцияларнинг номларини автоматик тарзда тўлдиришгача таклиф қиладиган, жиддий касбий интеграционланган ишлаб чиқиш муҳити (IDE), шунингдек уни йўлга қўйишдаги - қулай `debugger`.


Бугунги кунда мавжуд бўлган IDE ни таҳлил қилиб чиққач, Zend дастурий маҳсулоти танланди (расм 3.1.).

Zend Studio – PHP илова кодини ишлаб чиқиш, йўлга қўйиш ва оптималлаштиришнинг комплекс муҳитидир. Тўлиқ интеграционланган интерфейс ишлаб чиқиш жараёнида ёрдам кўрсатади.

Zend Studio Client ишлаб чиқишнинг қуйидаги инструментал воситаларини таклиф этади: `Debugging` – ишга туширилган PHP илова жараёнини назорат қилиш, хатолар чақирувлар, ўзгарувчилар ва `script` ишининг

натижалари тўғрисидаги муҳим маълумотларни олиш; файл менеджери-файллар ва папкалар, FTP функциясини ҳам киритган ҳолда, бошқариш имконини беради; лойиҳа ва файл назоратчисининг ойналари (экрани) - синфларни кўриш ва бошқариш учун мўлжалланган; коднинг тугалланиши (Code completion)-кодни тугаллашнинг кўп сонли функцияларини ўз ичига олади, PHP синтаксиси, HTML, синфлар ўзгарувчанликларни аниқлайди; синтаксисни ёритиш; php ўргатувчиси.

PHP локал интерпретатори ёрдамида бўлганидек, масофадаги серверда ҳам скриптни йўлга қўйиш имкониятидан фойдаланиш учун унга Debug Server ни ўрнатиш зарур. Debug Server компоненти ишлаб чиқариш серверига хавфсиз ўрнатиш учун мўлжалланган. Бу асбоб сервернинг иш унумдорлигига таъсир этмайди ва серверни берухсат киришлардан сақлаган ҳолда киришни назорат қилиш рўйхати асосида хавфсизликни таъминлайди. Zend Studio Server ечими мавжуд PHP сервери параметрларини тўлиқ созлашга ёрдам беради.



Расм 3.1. Zend Studio Client ишлаб чиқиш муҳитининг умумий кўриниши

### **3.2. Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтнинг ишлаш тавсифи**

Қуйида енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтнинг асосий кўриниш интерфейси келтирилган (расм 3.2.).

Динамик веб сайтнинг фойдаланиш қисмига маҳсулотларнинг каталоги берилган.

Фойдаланиш қисми мижозларга сайт бўйича ҳаракатланишга ва буюртмаларни расмийлаштиришга имкон беради.

Енгил саноат маҳсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтдаги маҳсулотлар тоифаларга бўлинади.


Тоифаларга кириш икки усул билан амалга оширилади:

1. Асосий саҳифа марказидаги изоҳлар бўйича ўтиш билан;
2. Тоифалар рўйхати бўйича ўтиш.

Тоифаларда киритмаларни шакллантириш чекланмаган, яъни тоифалар гуруҳларга бўлиниши, улар ҳам ўз навбатида яна гуруҳчаларга бўлиниши мумкин.

Масалан, “Маиший кийимлар” тоифасини яратиб, кейин унга “Кўйлак костюмлар” гуруҳини қўшиш мумкин, кейинчалик “Кўйлак костюмлар” тоифасида “Пиджак” гуруҳини яратиш мумкин ва ҳоказо. Тоифалар дарахтидаги сатҳлар миқдори чекланмайди.

Динамик веб сайтга кирган киши биронта маҳсулот тоифасига кирса, унга ушбу тоифадаги маҳсулотлар рўйхати саҳифаларга бўлинган ҳолда кўрсатилади.



Расм 3.2. Енгил саноат махсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайт асосий интерфейси

Тоифа номини танлаб (номига қараб чақириб) дўкон харидори танланган тоифадаги махсулотларнинг рўйхатини кўради. Саҳифанинг чап томонидаги тоифалар рўйхати доимо мижознинг тоифалар дарахтида турган жойини акс эттиради.



Расм 3.3. Махсулотнинг тўлиқ тавсиви

Барча қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда махсулот учун “Саватга олиш” тугмаси кўрсатилади:

- Махсулотнинг нархи қониқарли (қатъий nolдан кўп);
- Агар махсулот omborda бор бўлса (махсулот учун “Omborda mavjud” белгиси киритлган).

Агар махсулотнинг нархи nolга (0) тенг ёки салбий (<0) бўлса, “Саватга олиш” тугмаси ва нархи акс этмайди.

“Саватга олиш” тугмасининг бундай хусусияти маълум бир махсулотга буюртмани жойлаштириш функциясини ўчиришга имкон беради.


Динамик веб сайтга кирган киши махсулотнинг рейтингига таъсир кўрсатиши мумкин. 1 дан 5 гача бўлган баҳолаш параметрлари махсулот номи остида кўрсатилади, бунда бўялган 1 юлдузчалар энг паст рейтингни, бўялган 5 юлдузчалар эса энг юқори даражани билдиради. Барча ташрифчилар махсулотга ovoz беришлари мумкин (ҳатто улар рўйхатга oлинмаган ва махсулот сотиб олишмаган бўлса ҳам). Бир сессия (сеанс; сайтга бир марта кириш) давомида ташрифчи маълум бир махсулотга фақат бир марта ovoz

бериши мумкин. Агар ташрифчи “Маҳсулотни баҳоланг” тугмасини бир мартадан ортиқ босса, фақат биринчи овоз ҳисобга олинади, қолганлари эътиборга олинмайди.

### *Сават*

Маҳсулотларни саватга тушуриш жуда оддий – “Саватга олиш” тугмасини бир марта босиш орқали бажарилади. Бу тугма рўйхатдаги ҳар бир маҳсулот каршисида туради (маҳсулотларни тоифа ичида, кўришда излаш натижаларини кўришда, мижоз ҳақидаги батафсил маълумот берилган саҳифада).

“Саватга олиш” тугмаси босилгандан сўнг фойдаланувчига сават саҳифаси очилади (расм 3.4.).



Расм 3.4. Саватнинг кўриниши

Сават саҳифасида мижоз буюртирган маҳсулотларни кўриши, улардан керагини танлаб олиб, қолганларини ўчириб ташлаши ва саватни тозалаб кўйиши мумкин.

Ҳар сафар мижоз саватга маҳсулот солганда саватнинг ҳолати акс эттирилади. Мижоз бу саҳифадан буюртмани расмийлаштириш саҳифасига ўтиши ёки яна маҳсулотлар рўйхатига қайтиши мумкин. “Маҳсулот рўйхатига қайтилсин” опциясининг танлови мижозни динамик веб сайтнинг асосий саҳифасига жўнатади.

### Буюртмани расмийлаштириши (расм 3.5.)

Мижозга керакли алоқа маълумотини тақдим этиш таклиф қилинади (исми, фамилияси, етказиб бериш манзили).

“Буюртма жойлаштирилсин” тугмаси босилганда тизим буюртмани маълумотлар базасида сақлаб қолади ва иккита электрон билдириш хатини жўнатади.

- Мижозга – буюртма тўғрисидаги маълумот бўлган хабарни;
- Динамик веб сайт маъмурига – буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги билдиришномани. Бу хабар динамик веб сайт таркибида кўрсатилган манзилга юборилади (маъмурий қисмдаги “Созлаш” бўлими).

Buyurtmani rasmiylashtirish uchun Siz do'konda ro'yxatga olishingiz kerak.  
Ro'yxatga olingan bo'lsangiz, o'ng tomondagi shakldan foydalaning.

**Ro'yxatga olish shakli**  
\* to'ldirilishi majburiy

**DO'KONGA KIRISH**

\* Login:   
\* Parol:   
\* Parolni tasdiqlang:

**Foydalanuvchilar uchun kirish**

Login:   
Parol:

**ALOQA MA'LUMOTI**

\* Ismi:   
\* Familiyasi:   
\* Sharifi:   
\* E-mail:   
\* Davlat:   
\* Viloyat:   
\* Pochta Indeksi:   
\* Shahar:   
\* Manzil:   
\* Telefon:


Yangiliklarga obuna bo'lish

Muallif: Kasimova Nargiza

Расм.3.5. Буюртмани расмийлаштиришнинг кўриниши.


Динамик веб сайтнинг ишлаш алгоритми блок-схемаси расм 3.6 да кўрсатилган. Фойдаланиш қисмига кирган фойдаланувчи динамик веб сайтнинг

дастурий модуллари билан ўзаро ишлайди, улар эса турли хилдаги ахборотни интерактив тарзда тақдим этишади.



Расм 3.6. Енгил саноат махсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайт ишлашининг алгоритми блок-схемаси

Расм 3.7. да енгил саноат махсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтнинг тузилиши келтирилган. Маъмурий қисми қуйидаги модуллардан ташкил топган: махсулотлар каталогларини бошқариш, махсулотларни бошқариш, харидорларни бошқариш ва буюртмаларни бошқариш. Фойдаланиш қисми эса рўйхатга олиш, махсулотни излаш, тоифани танлаш, нархлар рўйхати, махсулотни танлаш, буюртмани расмийлаштириш модулларидан иборат.



Расм 3.7. Енгил саноат махсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтнинг тузилиши

### **3.3. Енгил саноат махсулотлари савдоси бўйича динамик веб сайтни интернетга жойлаштириш масалалари**

Динамик веб сайтни интернет тармоғига жойлаштиришда хостинг ва домен тушунчалари ишлатилади.

Хостинг – бу интернет тармоғида доимо мавжуд бўлиш учун серверда маълумотларни физик жойлаштиришда диск соҳасининг ажратилиши ва тақдим этилиши хизматидир.

Хостинг хизматида электрон почта, маълумотлар базаси, DNS, файл ва бошқалар учун жой ажратиб берилади. Шунингдек, бу хизматларнинг фаолияти ва функциялари ҳам қўллаб қувватланади.

